НОШИР ЛЮКС
МАЖБУРИЙ НУСХА

Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 4-fevral, seshanba, 15 (23.295)-son

Кун ҳикмати

Ҳалоллик ва самимият ҳеч қачон эътиборсиз қолмайди

183 фуқарони нима муаммо қийнаяпти?

Каттақўрғон шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида вилоят ҳокимлигининг навбатдаги сайёр қабули ўтказилди.

Унда вилоят ҳокимнинг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.Алимова, шаҳар ҳокимлиги, бошқармалар ва ташкилотлар раҳбарлари фуқароларнинг мурожаатларига ечим излади.

Сайёр қабулда Каттақўрғон шаҳри аҳолисидан ташқари, Каттақўрғон, Нарпай, Нуробод, Иштихон ва Паст Дарғом туманлари фуқаролари томонидан билдирилган мурожаатларнинг аксариятини уй-жой олиш, кредит, бандлик, коммунал соҳадаги камчиликлар, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти билан боғлиқ бўлди. 183 мурожаатнинг аксарияти шу жойнинг ўзида ҳал қилинган бўлса, айримларига муддатлар белгиланди.

– Икки йилдан буён қизим ўзига муносиб иш тополмаётган эди, – дейди Каттақўрғон шаҳрилик Матлуба Эгамбердиева. – Сайёр қабулда мурожаатим тингланиб, шу куннинг ўзида мактабгача таълим ташкилотига ишга жойлаштирилди.

– Шаҳардаги Яккабоғ маҳалласида истиқомат қиламан, – дейди Шерзод Жуманов. – Бугун раҳбарларга кўчамиздаги ичимлик суви муаммоси бўйича мурожаат қилдим. Сувни узоқ масофадан ташиб келтирамиз. Кўчалар кечаси ёритилмаслиги туфайли кўплаб безориликлар содир этиляпти. Шунингдек, кўчамизда колбаса маҳсулотлари тайёрланадиган цех бор. Цехнинг чиқиндиси кўчадаги ариққа оқизилмоқда. Шу масалаларни бартараф этишда ёрдам сўраб мурожаат қилдим.

Қабулда мурожаатлар юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

Юртимиз бўйлаб

Пойтахтимизда Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг "С5+1" шаклидаги учрашуви бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳрида АҚШ Давлат котиби Майкл Помпеонинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон ва АҚШ ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг учрашуви бўлди.

Икки вазн тоифасида жаҳон чемпиони Муроджон Аҳмадалиевга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони ҳамда Президент совғаси сифатида Тошкент шаҳридан уч хонали уй ва «Tracker» автомобили тақдим этилди.

Ҳудудларда нима гап?

"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати вилоят бўлинмаси ташаббуси билан Самарқанд шаҳрининг Кимёгарлар шаҳарчасида "Файз-у баракали Самарқанд" экологик акцияси ўтказилди.

Нарпай тумани Оқтош шаҳрида 120 ўринли "Оқтош кўзмунчоқлари", Нуробод туманининг Бошқудуқ маҳалласида 60 ўринли "Visola ishonchi" мактабгача таълим ташкилотлари фойдаланишга топширилди.

Марказий банк вилоят бош бошқармаси ташаббуси билан ўтказилаётган "Марказий банк кубоги" мусобақасининг бадминтон ва мерганлик баҳслари бўлиб ўтди.

(Батафсил: zarnews.uz сайтида)

Жаҳон айвонида

Ироқнинг собиқ коммуникациялар вазири Муҳаммад Тофиқ Алавий мамлакат бош вазири бўлди.

Таиландда коронавирусга қарши самарали дорилар комбинацияси ишлаб чиқилди.

Сомалида чигиртка ёпирилиши сабабли фавқулоддa ҳолат эълон қилинди.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, тўй ва маросимлар, оилавий тантаналар ўтказилишини назорат қилиш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи комиссияси раиси Г.Алимова, Ўзбекистон Қаҳрамони, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси, комиссия раиси ўринбосари Ҳ.Нормуродов, вилоят маҳаллалар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари Б.Насриев ҳамда бир гуруҳ фаоллар Самарқанд шаҳри ҳудудидаги ресторанларда ўтказилаётган тўйларда қатнашди.

Тўйга комиссия борди

Комиссия аъзолари шаҳардаги "Шоҳона" тўйхонасида Адолат маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Одил Бозоров ўғли Бегзоднинг никоҳ тўйини, "Гранд Асли" базмгоҳида Хазора маҳалласида истиқомат қилувчи Носир Ибрагимов фарзанди Мусо Мамадалиевнинг никоҳ тўйи ва набирасининг суннат тўйини, "Нур" ресторанида Янгиқўрғон маҳалласида яшовчи Исмоил Шарипов фарзанди Илҳомнинг никоҳ ҳамда набирасининг суннат тўйини 200-250 киши иштирокида нишонлаганига гувоҳ бўлишди.

Комиссия ишчи гуруҳи аъзолари келин-куёвларга китоблар жамланмасини совға қилдилар.

Вилоят маҳаллалар кенгаши ахборот хизмати.

Самарқанд давлат чет тиллар институти

ўзини ўзи молиялаш тизимига ўтишга тайёрми?

Институт ректори Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ қандай режаларни амалга оширмоқчи? Қуйида шу ҳақда.

БОШҚА ДАВЛАТЛАР 20-30 ЙИЛДА ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРГА 3-4 ЙИЛДА ЭРИШИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК

Давлатимиз ривожланяпти, имкониятларимиз кенгаяяпти. Мамлакатимизда уч йил олдин бу даражада ўсиш кузатилмаганди. Айниқса, таълим тизимига катта эътибор бериляпти. Президентимиз Мурожаатномада: "Янги Ўзбекистон барпо этаётганимизни таъкидлади. Қисқа вақт ичида бошқа давлатлардан ўзиб кетишга, дунё ҳамжамиятидаги ўз ўрнимизни, нуфузимизни оширишга бел боғлаганмиз. Бошқа давлатлар 20-30 йилда эришган ютуқларга 3-4 йилда эришишга ҳаракат қилишимиз керак.

Яқинда республикамиздаги баъзи олий таълим муассасаларини тубдан такомиллаштириш мақсадида ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтиш тартиби жорий этилди. Тажриба тариқасида ўтказилаётган ушбу синов республикамиздаги ўнта олий таълим муассасасига юкланди. Шулардан бири – Самарқанд давлат чет тиллар институти. Энди ўзини ўзи молиялаштираётган институтлар ўз муаммоларини мустақил бартараф этишга ҳақли бўлади. Лекин бу институт тўлиқ мустақил бўлди, дегани эмас.

Ўзини ўзи молиялаштиришнинг яна бир афзаллиги, молиявий мустақил бўлганлигимиз сабабли топадиган даромадларимизни камбағал оила фарзандлари бўлган талабаларга сарфлашимиз, уларга моддий ёрдам бериш, рағбатлантиришимиз мумкин.

БУ ЙИЛ КАМИДА 1200 НАФАРГА ЯҚИН АБИТУРИЕНТНИ ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГАМИЗ

Президентимиз айтганидек, бу йил олий ўқув юртига ўқишга кирувчи талабаларнинг квоталари беш фоизга оширилади. Ўтган йили институт 1066 нафар абитуриент

ўқишга қабул қилган бўлса, бу йил камида 1200 нафарга яқин талабани ўқишга қабул қилиш имкониятига эгамиз. Бу албатта, моддий-техник база, профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб белгиланади.

Бундан ташқари, биз ўз имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда яна контракт ёки қўшимча контракт асосида талабаларни ўқишга қабул қилишимиз мумкин. Шунингдек, хорижий нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 2+2, 3+1 дастурлари асосида ҳам чет элдан талабаларни ўқишга қабул қиламиз.

АГАР ТАЛАБА «КОНТРАКТ» ТЎЛОВИДАН ҚАРЗДОР БЎЛСА, УНИ КУРСДАН ҚОЛДИРИШИМИЗ МУМКИН

Контракт асосида ўқийдиган талабани ўқишдан ҳайдаш мумкин эмас, деган ҳужжат йўқ. Талаба институтнинг меъёрий ҳужжатлари қоидаларига риоя қилмаса, албатта, уни курсдан-курсга қолдирамиз. Вазирлар Маҳкамасининг 393-сонли қарорига асосан талаба узлуксиз равишда, сабабсиз дарсларга келмай қўйган бўлса ёки институт билан алоқани узса, уни талабалар сафидан четлаштиришга мажбурмиз. Бундан ташқари, талаба контракт тўловларини ўз вақтида тўламаса, у билан шартномани тўхтатишга ёки узишга тўғри келади. Тартиб ҳаммага бир хил, қонун ҳамма учун баробар. Лекин бизда талаба учун яна бир имконият бор. Агар талаба тўлов шартномасидан қарздор бўлиб қолган бўлса, уни курсда қолдиришимиз мумкин. У кейинги йилга келиб ўша курсни давом эттиради.

ХОРИЖЛИК ТАЛАБАЛАР СУҲБАТ АСОСИДА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Институт юзга яқин нуфузли хорижий олий таълим муассаси билан ҳамкорлик шартномаларини имзолаган. Шунга кўра, хорижлик талабалар суҳбат асосида ўқишга қабул қилинади. Улар ўз ҳисобидан тўлов-контракт асосида ўқийди. Институт ўз талабаларини грант асосида хорижга ўқиш ёки малакасини оширишга юборади. Бунда иқтидорли, билимли талабалар саралаб олинади.

ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИГА 10-20 НАФАР ТАЛАБА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда 2020-2021 ўқув йилида институтда журналистика факультетини очмоқчимиз. Факультетга кўпи билан 30 нафаргача талабани ўқишга қабул қилишимиз мумкин. Биз талабаларнинг сонига эмас, сифатига эътибор қаратамиз. Уларга профессор-ўқитувчилар ҳамда тажрибали журналистлар дарс беришини таъминлаймиз.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА ёзиб олди.

Қаерда БАДАНТАРБИЯ билан шуғулланасиз?

Эрталаб бир соат пиёда юриб, бадантарбия қилган киши кун давомида тетик юради. Қон босими кўтарилиши, ҳолсизлик каби хасталикларга учрамайди. Кейинги пайтда эрталабки сайрга чиқувчилар кўпаяётгани қувонарли.

– Ўтган йил биз яшайдиган Фарҳод шаҳарчасида "Обод маҳалла" дастури асосида ҳудуддаги боғ ободонлаштирилди, йўл ёқасида пиёдалар йўлаги ташкил этилди, – дейди А.Ҳайдаров. – Эрталаб ва кечқурун шу жойларда сайр қиламиз. Бадантарбия билан шуғулланамиз.

– Самарқанд автомобиль заводи яқинида "Сўғдиёна" хиёбони бор, – дейди шу ҳудудда яшовчи Р.Ҳасанов. – Дарахтлари жуда катта эмас-у, лекин пиёда сайр қилиш учун қулай жой. Бир марта айлансангиз 2,5-3 километр масофа юрасиз. Ўтган йил хиёбонни ободонлаштириш, йўлакларни тартибга келтириш бошланган эди, лекин иш якунига етмай қолди-да. Ободонлаштириш ишлари тугаса, бу жой яна ҳам кўркам бўлади.

4-саҳифа »»

– Уйимиз "Динамо" стадионига яқинлиги учун эрталаб 1,5- 2 километр пиёда юриб, шу ерга бориб бадантарбия билан шуғулланаман, – дейди Самарқанд давлат университети ўқитувчиси Мардон Болтаев. – Баҳор, ёз пайтларида Хотира майдони, Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғига борамиз. Бу жойларда катта-катта дарахтлар, арчалар кўплиги учун кислород кўп.

Сингапур тажрибаси
халқаро сайёҳларга сифатли хизмат
кўрсатишни ўргатади

Самарқанд шаҳрида Ипак йўли туризм халқаро университети қошидаги Марказий Осиё ва Жанубий-Шарқий Осиё халқаро туризм тадқиқот маркази томонидан "Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатларда ресторан ва меҳмонхона бизнесини ривожлантириш" мавзусида I халқаро семинар бўлиб ўтди.

- Сингапур халқаро сайёҳлик бизнеси билан Ўзбекистонни таққослашга ҳали эрта, - деди Ўзбекистон-Сингапур туризм маркази директори Руди Фанг. – Сингапурда туристларга хизмат қилувчи мутахассисларни тайёрлаш уларни ишга жойлаштириш ва бу борада туризмни ривожлантириш бир-бири билан узлуксиз занжир сингари боғланган. Шунинг учун ҳам бизда халқаро сайёҳлик бизнеси ривожланган.

Ўзбекистон халқаро сайёҳларга жаҳон стандартларига мос хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш борасида ҳали кўп ишларни амалга ошириши, хусусан, етук мутахассис кадрлар тайёрлаши, ҳудудларда экотизимни яхшилашга эришиши лозим. Шуниси қувонарлики, "Марказий ва Жануби-шарқий Осиё туризм халқаро тадқиқот маркази" кейинги беш йил давомида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ўз филиалларини очишни режалаштирмоқда. Марказ Сингапур тажрибасидан фойдаланишни мақсад қилган.

Маълумот учун: 2019 йилнинг декабрь ойида Ипак йўли туризм халқаро университети ва Бухоро давлат университети Сингапурнинг "Ўзбекистон-Сингапур" туризм маркази билан ҳамкорликда дунёда ягона – "Марказий ва Жануби-шарқий Осиё туризми халқаро тадқиқот маркази (CASEA-InTouReC)га асос солган.

Самарқанд шаҳридаги Ипак йўли туризм халқаро университети Марказнинг бош таълим муассасаси, Бухоро давлат университети эса магистрлик бўлими ҳисобланади. Барча интеллектуал мулк қонун доирасида Сингапурда рўйхатдан ўтган.

Хуршида ЭРГАШЕВА.

2020 МУРОЖААТНОМА

Мамлакатимизда 4-5 миллион аҳоли (12-15 фоиз) кам таъминланган ҳисобланади

- Вилоятимизда юқори, ўрта ва паст босимли 9 минг 50 километр газ қувурлари мавжуд, - дейди "Ҳудудгаз Самарқанд" масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси Олим Исоқулов. – Ушбу тармоқ ва 8394 та газ тақсимлаш пунктлари орқали истеъмолчиларга табиий газ етказиб берилади.

Куз-қиш мавсумида муаммо бўлмаслиги учун 8,5 минг километр газ қувурлари реконструкция қилинди. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги Зарафшон, Боғибаланд, Кўл маҳаллаларига турли диаметрдаги газ қувурлари тортилди. Шунингдек, Каттақўрғон шаҳридаги Оқ олтин ва Амир Темур маҳалласида 600 метр, Паст Дарғом тумани Пўлатчи маҳалласида 850 метр, Самарқанд шаҳридаги Фарҳод шаҳарчасидаги Оқдарё ГРЭсидан Зарафшон дарёси орқали 11,5 километр диаметри 325 миллиметр бўлган газ қувури тортилиб, Панжикент кўчасидаги газ қувурига уланади.

Оқдарё ГРЭСи реконструкция қилиниб, қуввати олти марта оширилди.

Шу кунларда Амир Темур ва Бўстонсарой кўчаси орқали Университет хиёбонигача узунлиги 5 200 метр бўлган газ қувурларига уланиш учун қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган сурат.
Суратда: *чилангар Шоҳаббек Юсупов иш устида.*

Талабалар тадбиркорликка БЕПУЛ ўқитилмоқда

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида «Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази» вилоят филиали томонидан жойлардаги уюшмаган ёшлар, маҳаллалардаги ишсиз аҳоли учун бепул тадбиркорлик ўқув курслари ўтказилмоқда.

Ташкил этилган курсларда 115 нафар тадбиркорлик фаолиятига қизиққан тингловчилар қатнашиб, мустақил бизнес фаолиятини бошлаш, бизнес-режа ишлаб чиқиш, банкда миллий ҳамда хорижий валютада ҳисобварақ очиш, кредит олиш шартлари ва тартиби ҳамда тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар бўйича машғулотларда иштирок этди. Ҳафталик мазкур курслар якунида тингловчиларга сертификатлар топширилди.

- Марказимиз томонидан 2019 йилда "Yoshlar - kelajagimiz" давлат дастури асосида олийгоҳларда тўққиз маротаба ўқув курслари ташкил этилди, - дейди «Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази» вилоят филиали раҳбари Нодир Бобокалонов. – Ўтган курсларда қатнашган 338 нафар тингловчидан 266 нафари махсус сертификат билан тақдирланди. Умуман, ўтган йил давомида ташкил этилган машғулотларда 1000 нафардан зиёд тингловчи ўқитилди. Уларнинг 54 нафари ўз бизнесига эга бўлди, қолганлари фаолиятини кенгайтиришга эришди.

Ўз мухбиримиз.

БУ - ФАКТ

2019 йил вилоятимизда кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **12271,1** миллиард сўмга етди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **108,9** фоиз ўсишга эришилди.

Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида савдо хизматлари **3559,1** миллиард сўм (29 фоиз)ни ташкил қилиб, ўтган йил билан солиштирганда **581,5** миллиард сўмга ошди.

Бундан ташқари, энг кўп улуш транспорт хизматлари (25,7 фоиз), молиявий хизматлари (12,8 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (5 фоиз) ҳамда таълим соҳасидаги хизматларида (4,8 фоиз) кузатилди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми **3196,9** минг сўмни, ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан **106,6** фоизни ташкил этди.

ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.

Журналист суриштируви

МИБ "Энергосотиш"
Истеъмолчи
ҲАҚИҚАТ УЧБУРЧАКНИНГ ҚАЙСИ ТОМОНИДА?

Оила йиллар давомида маблағ жамғариб янги уй сотиб олди. Барча ҳужжатлар тўпланиб нотариус орқали расмийлаштирилди ҳам. Оила аъзолари ўз уйларига эга бўлганликларидан беҳад шод. Лекин орадан бир неча йил ўтиб қайсидир ҳужжат нотўғри бўлиб чиқса, кўнгилда ҳаловат қоладими?

Таҳририятимизга Самарқанд тумани Хўжа Аҳрор Вали-1 маҳалласида яшовчи Қўзи Миромов йўллаган шикоят аризасида шундай ҳолат баён этилган.

- Биз 2003 йил 15 декабрда Самарқанд шаҳри Зарафшон маҳалласи Абдуллаева кўчасидаги 15-уйни сотиб олиб, нотариус орқали расмийлаштирдик, - деб ёзади Қўзи Миромов. – Унгача тегишли идоралардан қарздорлик ва бошқа розилик берувчи бир қанча ҳужжат тўпладик. Куёвим ҳам, қизим ҳам II гуруҳ ногирони бўлганлиги боис барча ҳужжатларни ўзим расмийлаштирдим. Барча расмиятчиликлар тугагач, куёвим ва қизим янги уйда яшай бошладик. 2013 йил 23 сентябрда Самарқанд шаҳар энергосотиш бўлимининг икки нафар назоратчиси хонадондаги Со2м 54906564-рақамли электр ҳисоблагич бўлим базасида йўқлиги, базада Со2м 05011432-рақамли ҳисоблагич мавжудлиги туфайли далолатнома тузиб, 2 миллион 312 минг 640 сўм жарима белгилашди. Хўш, ундай бўлса уйнинг аввалги эгаси нега бундан бехабар бўлган? Қолаверса, биз уйни сотиб олиб, расмийлаштираётганимизда Самарқанд шаҳар электр тармоқлари корхонасидан ҳам қарздорлик бор-йўқлиги борасида ҳужжат олганмиз, агар ҳақиқатда рақам нотўғри бўлса, нега мутахассислар ўша пайтда бу тарзда ҳужжат беришган? Куёвим ва қизим бу ҳолатни кичик англашилмовчилик сифатида кўриб кўп ҳам эътибор бермаган ва истеъмол қилган электр энергияси учун тўловларни тўлаб юраверган. Мен эса уйга ўрнатилган ҳисоблагич бўйича маълумот сўраб шаҳар энергосотиш бўлимига мурожаат қилдим. 2019 йил 31 майда бўлим бошлиғи Ж.Жўраевнинг имзоси билан берилган маълумотда 1112135-сонли шахсий ҳисоб рақамига 1998 йил 1 майда СО2М 05011432-сонли индукцион электр ҳисоблагич ўрнатилган ва электр ҳисоб дастурий комплексидан рўйхатдан ўтганлиги билдирилган. Бу билан эса биз пул тўлашдан қочиб ҳисоблагични бошқасига алмаштирган бўламиз-ку, яна кимнингдир айби билан қарийб 2,5 миллион сўм жарима ҳам тўлаш мажбурияти юкланган. Ушбу англашилмовчиликни бартараф этиш учун 2019 йил 3 июнда «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти раҳбарига ариза билан мурожаат қилдим. 2019 йил 19 июнда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси раҳбари мурожаатим юзасидан Т23/0000012018-сонли қоидабузарлик аниқланиб, далолатнома расмийлаштирилгани ва электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлигимиз учун 2 миллион 312 минг 640 сўм миқдорида жарима белгиланиб, бу зарарни мажбурий ундириш учун Самарқанд шаҳар энергосотиш бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича шаҳар судига даъво аризаси киритилганлигини маълум қилди. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 12 июлдаги маълумотида эса Самарқанд шаҳар энергосотиш бўлимидан Мирмаҳмуд Юсупов (куёвим)дан қарзни ундириш тўғрисида ҳеч қандай даъво аризаси суднинг иш юритувига келиб тушмаганлиги ва бундай иш кўриб чиқилмаганлиги билдирилди. Англашилмовчиликка вилоятдаги идоралардан ечим тополмагач, Президентнинг виртуал қабулхонасига мурожаат қилдим. Йўллаган мурожаатим Самарқанд шаҳар прокуратураси ва Мажбурий ижро бюроси шаҳар бўлими мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилиб, электр энергияси истеъмолидан 2 миллион 96 минг сўм қарздорлик борлиги маълум бўлди.

Шундан сўнг Қ.Миромов Т23/0000012018-сонли далолатномани ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига мурожаат қилади. Иш кўрилишида Самарқанд шаҳар энергосотиш бўлимидан ҳеч ким қатнашмаганлиги сабабли фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди ишни сиртдан кўриб 2013 йил 23 сентябрдаги Самарқанд шаҳар Абдуллаева кўчаси 15-уй бўйича тузилган Т23/0000012018-сонли далолатномани ҳақиқий эмас, деб топган.

Ҳақиқат қарор топди, аммо бир хатолик, деб оила йиллар давомида идорама-идора қанча сарсонгарчиликларни бошдан кечирди. Аслида ҳақиқатда ҳам қарздорлик бўлганми? Агар бўлса нега суд ишида қарздорлик нотўғри эканлиги исботланди?

- 2013 йилда "Сиёб", "Темирйўл" ва "Боғишамол" бўлимлари аҳолига хизмат кўрсатган, - дейди Самарқанд шаҳар энергосотиш бўлими ҳуқуқшуноси Баҳодир Усмонов. – Аввал бу масала билан бошқа мутахассислар шуғулланган, мен ишга келганимдан сўнг Қ.Миромов қарздорликни аниқлаш масаласида мурожаат қилди. Биз мурожаат асосида имкон қадар керакли ҳужжатларни топиб, масалани ечишда ижобий ёрдам бердик. Ҳисоб рақам солиштирилиб, М.Юсуповнинг электр энергиясидан қарздорлиги йўқ ва аксинча олдиндан 8187 кВтгача ортиқча тўлов борлиги аниқланди.

Бир қарашда масала ижобий ҳал этилди, муаммо қолмади, фуқаро нореал қарздорликдан қутулди. Аммо энди бошқа идоранинг даъвоси Қ.Миромов ва фарзандларининг ҳаловатини бузди. Аниқроғи, Мажбурий ижро бюроси Самарқанд шаҳар бўлими бошлиғи Ф. Файзиевнинг имзоси билан 2019 йил 16 декабрдаги маълумотномада Қ.Миромовнинг Бош прокуратурага йўллаган мурожаати асосида ўтказилган хатлов натижасида М.Юсуповнинг электр энергиясидан 2 миллион 312 минг 640 сўм қарзи борлиги аниқланиб, бу қарз 1112135-сонли ҳисоб рақамга киритилган. Ҳозирги кунда эса электр энергиясидан қарздорлик 2 миллион 467 минг 554 сўмга етган ва бу қарз тўлиқ қоплангандан кейин электр таъминоти қайта тикланиши маълум қилинган.

Ажабо, бир масала юзасидан икки идоранинг фикри икки хил, кечаги гап бугунга тўғри келмайди. Кимга ишонишни, қайси ҳужжатга таянишни ҳам билмайсан.

Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси эса суд қарорида далолатнома рақами айнан келтирилмагани туфайли қарзни тўхтатишни истамаяпти.

- Минг афсуски, шундай, - дейди Қ.Миромов. – Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси масъуллари нега суд қарорида Т/23 далолатнома рақами келтирилмаган, дейишмоқда. Буни қандай тушуниш мумкин? Наҳотки, бир жумла учун суд қарори инкор қилинса. Хўп, суд ноқонуний қарор чиқарган, деб ҳисобланаётган бўлса, нега менга эмас, судга мурожаат қилишмайди. Бунинг учун ҳуқуқшунос бўлиш керакмас-ку!

Ёшим қарийб 75 га борди, неча йиллардан буён масалани ойдинлаштираман, деб вилоятдаги ташкилотлар эшигида сарсонман. Яна неча йил сарсонгарчилик азобини чекишим керак.

Отахоннинг куйинишида жон бор. Фуқаро йиллар давомида ҳақиқатни юзага чиқариш учун бир неча маротаба Тошкентга бориб Энергетика вазирлиги, Бош прокуратурага шу масала юзасидан мурожаат қилган, вилоятдаги деярли барча шу соҳа масъулларига учрашган, шу ишни ойдинлаштириш учун жарима миқдоридан ҳам кўпроқ маблағ сарфлаган. Ва ниҳоят суд қарори билан кўп йиллик муаммога ижобий ечим топилганда яна бир масъул ташкилот рақам айнан келтирилмаган, дея суд қарорини тан олишни истамаяпти. Нега ахир? Қоғозбозликни деб бир-биримизни яна неча йил қийнаймиз?

- 2013 йилда вилоят электр тармоқлари корхонаси мутахассислари томонидан Самарқанд шаҳри Зарафшон маҳалласи Абдуллаева кўчасидаги 15-уй бўйича далолатнома расмийлаштирилган, - дейди Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси ходими Элдор Маҳмудов. – 2017 йилда Мажбурий ижро бюроси ташкил этилгач, биз бу каби тўловлардаги қарздорликни ундиришни бошладик. Бу масалада бошқармамиз ходимлари Қ. Миромов айтаётганидек суд қарорини тан олишни истамаяпти эмас, барчаси қонуний бўлишини исташяпти, холос. Биз бошқа томон манфаати учун судга ариза киритолмаймиз. Шунинг учун Қ. Миромов қарор қисмидаги тушунмовчиликни ойдинлаштириш учун судга ариза киритиши керак. Шунда суд бу ҳақда ажрим чиқаради. Ушбу ажрим нусхасини бизга тақдим қилгач, шу асосда қарздорлик тўлиқ бартараф этилади ва масалага қонуний ечим топилади.

Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Зарафшон" мухбири.

Нотариусга давлат божини тўлашдан кимлар озод этилган?

2020 йил 7 январдан кучга кирган "Давлат божи тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши билан давлат божини белгилаш, ундириш, уни қайтариш ва тўлашдан озод қилиш соҳасидаги муносабатлар битта қонун билан тартибга солинди.

Унга кўра, нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан 17 та ҳолатда озод этиладиганлар рўйхати берилган.

Хусусан, шахслар - давлат пенсиялари ва нафақаларини олиш учун зарур бўлган, шунингдек, васийлик қилиш ва фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар юзасидан ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари тўғрилигини уларга тасдиқлаб берганлик учун давлат божи тўламайди.

Мол-мулкини давлат фойдасига, шунингдек, юридик шахслар фойдасига ҳадя қилиш тўғрисидаги васиятномалари ва шартномаларини тасдиқлатган шахслар ҳам давлат божидан озод қилинган.

Шахсларга қуйидагилар учун меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун ҳам давлат божи олинмайди:

- Ватанни ҳимоя қилиш чоғида, бошқа давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганлиги муносабати билан ёхуд инсон ҳаётини қутқариш, давлат мулкини ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш бўйича фуқаролик бурчини адо этиш муносабати билан ҳалок бўлган шахсларнинг мол-мулки учун;

- уй-жой (квартира) учун ёки уй-жой қурилиш кооперативидаги пай учун, агар улар мерос қолдирувчининг вафот этиш кунигача бирга яшаган, тураржойда қайд этилган бўлса ва мерос қолдирувчининг вафотидан кейин ҳам шу уй-жойда (квартирада) яшаётган бўлса;

- банклардаги омонатлар, шахсий ва мулкий суғурта шартномалари бўйича суғурта суммалари, давлат заём облигациялари учун, иш ҳақи суммалари учун;

- илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиро, селекция ютуғи, фойдали модель, саноат намунаси, интеграл микросхемалар топологияси муаллифининг мулкий ҳуқуқлари, шунингдек, ижрочининг ижрога доир мулкий ҳуқуқлари учун.

Пенсиялар ва нафақалар олиш учун ишончномани тасдиқлатган шахслар ҳамда кўп болалик учун уларга орденлар ва медаллар берилганлиги ҳақидаги ишлар бўйича ҳужжатлар кўчирма нусхаларининг тўғрилигини тасдиқлаб берганлик учун оналар давлат божи тўламайди.

Феруз КАРИМОВ,
Тойлоқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси.

САЛОМАТЛИГИНГИЗГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ!

КОРОНАВИРУС

олдини олиш учун барча чоралар кўрилди

Хитой давлатида тарқалган янги типдаги коронавирус 2019 йилнинг 31 декабрида Хитойнинг Хубей провинцияси Ухан шаҳрида биринчи бор аниқланди, ташхиси лабораторияда тасдиқланган. Ҳозирги кунга келиб коронавирус билан зарарланганлар сони 9000 дан ортиқни ташкил этиб, 360 дан ортиқ киши вафот этганлиги ҳақидаги хабарлар оммавий ахборот воситаларида тарқалган. Касалликни чақирувчи коронавирус тури 2019n COV коронавирус инфекцияси бўлиб, юқори нафас йўлларининг зарарланиши билан кечади.

Касалликнинг асосий юқиш йўли ва юқиш омили ҳаво томчи йўли орқали бўлиб, мулоқот ҳамда ифлосланган озиқ-овқат ва бошқа жиҳозлар орқали ҳам юқиши тахмин қилинмоқда. Касалликнинг асосий манбаи касаллик билан оғриган беморлар. Вирус атрофга - йўталганда, аксирганда тарқалади ҳамда атроф-муҳитдаги жиҳозларни, озиқ-овқат маҳсулотларини ифлослантиради.

Касалликнинг яширин даври 2 кундан 14 кунгача, ўртача 2-7 кун давом этади. Бирламчи клиник белгилари 90 фоиздан юқори ҳолатларда тана ҳароратининг кўтарилиши, 80 фоиз ҳолатда қуруқ йўтал ёки кам миқдорда намли йўтал кузатилади, 20 фоиз ва ундан юқори ҳолатларда кўкрак қафасининг қисилиши каби белгилари ҳам кузатилади.

НАЗОРАТ ПУНКТЛАРИ НАЗОРАТДА

Касаллик келишининг олдини олиш мақсадида вилоятимиздаги иккита санитария назорат пунктлари фаолияти кучайтирилди.

Самарқанд халқаро аэропорти ва Ургут туманидаги "Жартепа" санитария назорат пунктларидан ўтган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу санитария назорат пунктларида кечаю кундуз иш ташкил этилган. Хавфли юқумли касалликларга гумон қилинганда намуналар олиш жамланмаси, шахсий профилактика учун дори-дармонлар захираси, махсус ҳимоя кийимлар, йўловчиларнинг тана ҳароратини ўлчаш учун контактсиз термометрлар билан таъминланди ва аэропорт санитария назорат пункти дистанцион тепловизор билан жиҳозланди.

Ҳозирги кунга қадар вилоят санитария-эпидемиология осойишталик маркази ходимлари томонидан жойларда семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

ЗАХИРА ЎРИНЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб фавқулодда вазият юзага келганда инфекциянинг тарқалишига йўл қўймаслик, ўтказилаётган профилактик тадбирларни мувофиқлаштириш масаласида тегишли ҳуқуқий асослар билан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва вилоят санитария-эпидемиология осойишталик марказида ҳамда ҳар бир шаҳар, туман тиббиёт бирлашмаларида 18 та штаб ташкил этилди. Беморлар аниқланганда тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун Самарқанд шаҳрида 3 та, шаҳар ва туманларда 1 тадан махсус тез тиббий ёрдам кўрсатиш бригадалари тузилди. Беморларни даволаш учун вилоятда жами 95 та, жумладан республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида 5 та, вилоят юқумли касалликлар шифохонасида 5 та, вилоят перинатал марказида 5 та, шаҳар ва туманларда 5 тадан жами 80 та захира ўринлар ажратилди. Бугунги кунда вилоят СЭО маркази вирусология лабораториясида грипп ва ЎРВИлар диагностикаси йўлга қўйилган бўлиб, 4 турдаги грипп ва 7 турдаги ЎРВИларни аниқлаш имкони мавжуд.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

- Нафақат коронавирус, балки грипп ва ЎРВИнинг олдини олиш учун қуйидагиларни тавсия этамиз:
- Қўлларни совунлаб ювиш ёки спиртли асосдаги антисептиклар билан артишни;
- Тана ҳарорати кўтарилганда, грипп ва ЎРВИ билан оғриганда участка тиббий ходимига албатта мурожаат қилиш ҳамда касалликни бошқаларга юқтирмаслик учун ниқоб тақишни;
- Йўталганда, аксирганда оғизни дастрўмол билан ёпишни;
- Хоналарни тез-тез шамоллатиш ва дезинфекцияловчи моддаларни қўшиб намли тозалашни ўтказишни;
- Жамоат транспортини йўналишга чиқишидан олдин ва тугагач дезинфекция қилишни;
- Грипп ва ЎРВИ билан оғриган беморлар билан мулоқотда бўлганларни 14 кун тиббий кузатувга олишни.

Ўктам ҒАНИЕВ,
вилоят санитария-эпидемиология осойишталик маркази штаб бошлиғи.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

Барча юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5656-сон "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони 1-иловасида кўзда тутилган, "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида аукционга чиқарилган ва бошланғич савдога қўйиш нархи улушнинг номинал қийматидан кам бўлмаган миқдоргача, 50 фоизгача пасайтириш механизми қўлланилган ҳолда Самарқанд вилоятида жойлашган қуйидаги жамиятлар бўйича такрорий

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

№	Жамият номи	Юридик манзили	Устав капитали (млн. сўм)	Устав фондидаги сотиладиган давлат улуши (фоиз)	Сотиладиган улушнинг баҳоланган нархи (минг сўм)	Пасайтириш механизми қўлланилгандан кейинги нархи (минг сўм)	Савдо санаси	Аризалар беришнинг охирги муддати
1	"Kattaqo'rg'on shahar sharobsavdo" МЧЖ	Каттақўрғон шаҳри Қорадарё кўчаси, 2-уй	1 891,4	100,0	3 247 486,0	1 891 439,0	04.03.2020 й.	02.03.2020 й.
2	"Ishtixonsharobsavdo" МЧЖ	Иштихон тумани Митан шаҳарчаси Амир Темур кўчаси	740,084	100,0	4 000 984,0	2 000 492,0	04.03.2020 й.	02.03.2020 й.
3	"Dilkisho-sifat" МЧЖ	Тойлоқ тумани Қўрғонча МФЙ	106,8	25,3	191 238,0	106 850,0	04.03.2020 й.	02.03.2020 й.
4	"Maroqand oxalik uzumlari" МЧЖ	Иштихон тумани, Қўрли МФЙ	192,0	14,1	30 153,0	27 137,7	04.03.2020 й.	02.03.2020 й

Ушбу жамиятларнинг давлат улушларини "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилади. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:

Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосига қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзоланган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтда кўрсатилган муддатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"ига кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 9:00 да бошланади).

Аукционга қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охирги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, аукцион аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охирги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: Самарқанд шаҳри Мир Саид Барака кўчаси, 49-уй, Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси биноси, 2-қават (хусусийлаштириш бўлими).

Маълумот учун телефонлар: (66) 237-71-45, 233-73-54.
Факс: (66) 233-73-54.
E-mail: samarqand-gkk@exat.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар «Ягона дарча» марказидан 2017 йил 12 декабрда 558527 реестр рақами билан рўйхатга олинган "NURULLOEV PLAST" оилавий корхонаси (қисқартирилган номи: "NURULLOEV PLAST" ОК) корхона таъсисчиларининг 2020 йил 31 январдаги 1-сонли умумий йиғилиш қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри Зиёлилар кўчаси, 19-«А» уй.

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 305169971.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «XURSHEDA NASIMOVA" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 202115750) ўз устав капиталининг миқдори камайганлигини маълум қилади.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, қуйидаги манзилда қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 55-уй. Телефон: 66-233-09-59, 66-233-68-49.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «ZARTEK DIALIZ MEDSERVIS" масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси (СТИР: 306145621) ўз устав капиталининг миқдори камайганлигини маълум қилади.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, қуйидаги манзилда қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Исаева кўчаси, 14-уй. Телефон: 66-233-68-49.

* * *

Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Холмурадов Холмирзага (2016 йил 14 октябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Пайариқ шаҳарчаси, Чўлпон кўчаси.

* * *

Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Болиева Минаварга (2017 йил 10 октябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси, Алишер Навоий кўчаси.

* * *

Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Махсимова Мияссарга (2016 йил 29 мартда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси, Алишер Навоий кўчаси.

* * *

Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Холбекова Гулноза Сайдуллаевнага (2020 йил 21 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Пайариқ шаҳарчаси, Чўлпон кўчаси.

* * *

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд шаҳридаги 3-кечки мактабдан 1991 йилда Саидов Уктам Турсунович номига берилган А № 396071 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пахтачи туманидаги собиқ 52-мактаб интернатидан 2011 йилда Бекназаров Жамшид Шоназарович номига берилган U № 4872967 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 20-мактабдан 1981 йилда Исмаилова (ҳозирда Салимова) Заро Ибрагимовна номига берилган № 866880 рақамли саккиз йиллик маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2017 йилда Бобоназарова Азиза Ражаббой қизи номига берилган рўйхат рақами 17/125, К № 4684774 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2018 йилда Шодиёрова Зилола Алимқул қизи номига берилган рўйхат рақами 1028, К № 5112907 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги "ZAFAR XAKIMOVICH MAHSULOTLARI" оилавий корхонасининг (СТИР: 305310615) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 2-ўрта мактабдан (ҳозирги 82-умумий ўрта таълим мактабидан) 1994 йилда Сулаймонова Хуршеда Шакировна номига берилган АУ № 173696 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги "TALLIOTA TOMORQA XIZMATI 777" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306192271) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Норқулова Шаҳарой Шералиевна номига берилган U № 2497102 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туман ободонлаштириш бошқармасининг (СТИР: 200730391) гербли думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 104-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Абдусамадов Орзубек Музаффар ўғли номига берилган UM № 0154416 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Жонузоков Фуркат Жумабоевич номига берилган U № 3723598 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Қўчқорова (ҳозирда Ҳандамова) Муножат Зокировна номига берилган O'R-A № 1060155 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабидан 2014 йилда Жабборова (ҳозирда Амруллаева) Дилноза Маруфовна номига берилган U № 6423874 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежидан 2018 йилда Хайитбоев Азамат Бахриддин ўғли номига берилган рўйхат рақами 1230, К № 5129983 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

***

ТОПГАНГА МУКОФОТ!

Мамадолиев Журабек Дагоровичнинг пенсия гувоҳномаси (13.09.2017 йилда Самарқанд вилоят ИИБдан берилган) Иштихон тумани ҳудудида туширириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +99893-331-50-83.

Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси маъмурияти институт анестезиология-реанимация кафедраси ва анестезиология бўлими жамоаси врач-ординатори Матлуба Мелиевага онаси

Кенжа ая РАИМОВАнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси Самарқанд шаҳар марказий шифохонаси 4-жарроҳлик бўлими мудири Ўктам Ражабовга отаси

Абдураҳмон бобо РАЖАБОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

БУГУННИНГ ГАПИ

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида Буюк Британиянинг "Ал-Фурқон" ислом мероси фонди томонидан тақдим этилган китоблар тақдимоти ўтказилди.

"Ал-Фурқон"дан туҳфа

Исломшунос олимлар, халқаро марказ ҳамда Ҳадис илми мактаби ходимлари, тингловчилар иштирок этган тадбирда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йилда ташкил этилган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан ўтган қисқа давр мобайнида буюк алломаларимиз меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, хорижий давлатлардаги нуфузли халқаро марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди. Бу ишлар самараси ўлароқ, айни пайтда дунёнинг 24 та етакчи ислом тадқиқот марказлари, университетлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

– Буюк Британиянинг "Ал-Фурқон" фонди билан йўлга қўйилган яқин ҳамкорлик натижасида яқинда мазкур фонд томонидан марказимизга дунёнинг турли мамлакатларидаги кутубхоналарда сақланаётган нодир қўлёзма асарларнинг каталоглари ва бошқа манбалардан иборат юзга яқин китоблар тўплами ҳадя этилди, – дейди Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Ш.Зиёдов. – Бу китоблар орасида араб, турк, форс тилларидаги ноёб қўлёзмалар, каталоглар борки, улар ёрдамида заминимиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг асарлари ҳақида маълумот олиш, уларнинг қаерда сақланаётганини билиш мумкин. Мисол учун, Буркина Фасо, Кот-д´Ивуар сингари Африка давлатлари, шунингдек, Европанинг бир қатор мамлакатларида нашр этилган каталоглар ёрдамида ушбу юртлардаги кутубхона ва қўлёзма фондларда сақланаётган асарлар тўғрисида қимматли маълумотларга эга бўламиз. Бу

эса улуғ аждодларимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва тадқиқ этишга ёрдам беради.

Тақдимот чоғида марказ ходимлари томонидан яқинда Туркиядан келтирилган Имом Мотуридийнинг турк тилига таржима қилинган 18 жилдлик "Таъвилотул Қуръон" асари ҳақида ҳам маълумот берилди. Бу асар Туркиянинг Мармара университети Илоҳиёт факультети томонидан марказга туҳфа қилинган.

Маросимда жорий йилда Имом Абу Мансур Мотуридий таваллудига 1150 йил тўлиши ва шу муносабат билан амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари ҳақида ҳам маълумот берилди. Хусусан, 3-5 март кунлари Самарқандда ташкил этилаётган "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзуидаги халқаро анжуманнинг шўъба мажлислари Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ҳадис илми мактабида ўтказилиши, ушбу тадбирга тайёргарлик ҳақида сўз юритилди.

Алишер ИСРОИЛОВ.

Қаерда БАДАНТАРБИЯ билан шуғулланасиз?

Пиёда юриш ёки югуриш учун боғ ва хиёбонлардан фойдаланиш мумкин. Аммо велосипедда сайр қилувчилар учун бугун нафақат Самарқанд шаҳри, балки бошқа туман ва шаҳарларда ҳам махсус йўлаклар ташкил этилмаганини қайд этиш лозим.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Кейинги пайтда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишнинг асосий омили сифатида спортнинг оммавийлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳозирда эрта тонгда кўчада ёки хиёбонлар, боғларда югуриб кетаётган, велосипедда сайр қилаётган, спорт билан шуғулланаётган кишиларга тез-тез кўзимиз тушади. Уларнинг сафи ҳам анча кенгайган. Аввалгидек, уч-тўрт киши эмас, ўнлаб инсонлар – ёшлар ҳам, кексалар ҳам спорт билан шуғулланаётганини кўрамиз.

– Ўтган йилдан бошлаб ҳафтанинг шанба куни Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида оммавий юриш ўтказиш йўлга қўйилди, – дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Рўзиев. – Бу тадбирга кенг оммани жалб қилдик. Тиббиёт ходимлари, спортчилар мунтазам қатнашади. Маҳаллалар аҳолиси ҳам келиб туради. Лекин жуда кам. Аслида, тиббиёт ходимлари ва спортчилар соғлом турмуш тарзи тарғиботчилари сифатида бу тадбирларда қатнашади. Уларнинг ёнига бошқа касб эгалари, уй бекалари, ёшлар ва кексалар ҳам кўпроқ қўшилса деймиз. Умуман, ҳозирда биргина Самарқанд шаҳрида барча истироҳат боғларида, Университет хиёбони, Кўксарой майдони, Амир Темур мақбараси атрофидаги майдон, темирйўл вокзали хиёбони, "Динамо" ўйингоҳида, Сартепа масканидаги стадионда, Кимёгарлар шаҳарчасидаги маданият саройи атрофида, Шоирлар боғида, Ислом Каримов кўчаси ва хиёбонида одамлар пиёда юриб ва велосипедда сайр қилиб, бадантарбия машғулотлари билан шуғулланишлари мумкин.

Ҳа, дарвоқе, ўтган йил Самарқанд шаҳрида муҳим саналар ва байрамлар муносабати билан ўндан ортиқ марафон ташкил этилиб, минглаб самарқандликлар оммавий юришларда қатнашди. Ҳатто, кексалар учун 2 километр масофага марафон уюштирилди.

Тўғри, кейинги йилларда Кимёгарлар ва Фарҳод шаҳарчаларида ҳудудларни ободонлаштириш ишлари жараёнида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, велойўлаклар қурилди. Лекин истироҳат боғларида ҳали бу борада кўзга кўринарли иш бажарилмагани аён. Нима, хорижий мамлакатлардаги каби бизда ҳам боғ ва хиёбонларнинг бир қисмида спорт машғулотлари билан шуғулланиш учун махсус майдонча ташкил этиб бўлмайдими? Ёки оддийгина спорт ускуналари ўрнатиш шунчалик мураккабми? Балки махсус спорт хиёбонлари ташкил этилар...

Ғ.ҲАСАНОВ.

2020 МУРОЖААТНОМА

Боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 60 фоизга етказилади. Бунинг учун 2 триллион сўм ажратилади.

«ЁМОН» мактабни «ЯХШИ»га айлантириш йўли борми?

Жомбой туманидаги 40-ихтисослашган давлат умумтаълим мактабида иш бошлаганимга кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо шу қисқа вақт ичида бу масканда талабчанлик, ижодкорликни кўриб, тўғриси, нега бу тизимни оддий мактабларга ҳам жорий қилиш мумкин эмас, деган хаёлга толдим. Ушбу масканда нафақат раҳбарият, балки болаларнинг ўзлари ҳам талабчан.

Дейлик, дарсингизни янгича, интерфаол усулларсиз ўта бошласангиз, дарҳол эътироз билдиришади. Бу ташналикни кўриб, ҳар қандай ўқитувчи дарсига пухта тайёрланиб келишга ва албатта ўқувчиларга дарсни талаб даражасида ўтишга ҳаракат қилади. Аввал ўрта мактабда ишлаганим учун бу таълим масканлари ўртасидаги кескин фарқни ҳис қилдим. Ваҳоланки, ушбу мактаблардаги ходимларга тўланадиган ойлик маошда фарқ йўқ.

Бугун таълим тизимида ўқувчиларнинг билимини баҳолайдиган, танлайдиган танловлар жуда кўп. Яъни, бу масалада рақобатлашса бўладиган шароит мавжуд. Афсуски, бу рақобатга киришишни истамайдиган, дарсни бир амаллаб ўтсак бўлди, деган кайфиятдаги ўқитувчилар ҳам бор. Аммо доимий равишда кўрсаткичлари паст бўлган мактабларни жамоатчиликка намойиш этиш, тажрибали кадрларни ўша ҳудудга ишлаш учун олиб бориш тажрибасини йўлга қўйиш лозимдир.

Муҳаббат НОДИРОВА.

«Қирол Лир» Самарқанд саҳнасида

Жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан бири "Қирол Лир" трагедияси юзлаб театрларда намойиш этилган, кўплаб тилларга таржима қилинган. Бу спектаклларнинг барчаси ўзига хос ва такрорланмасдир. Самарқанд вилоят мусиқали драма театрида Вильям Шекспирнинг бу асари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон давлат академик рус драма театри бош режиссёри Валихон Умаров томонидан саҳналаштирилди. Спектаклдаги саҳна декорациялари, актёрларнинг маҳоратли ижроси, мукаммал режиссура, ўша давр руҳиятига ҳамоҳанг мусиқа томошабинни икки соат саҳна билан узвий боғлади.

ҚИРОЛ ФОЖИАСИ НИМАДА?

Воқеалар Британия қироллигида юз беради. Қирол Лир кексайгач, мамлакатни уч қизига бўлиб беришни ва ўзи қарилик гаштини суришни истайди. Саҳнада сарой аъёнлари ва қирол уч нафар қизи билан намоён бўлади. Сарой масхарабози Шекспирнинг унутилмас ибораси билан томошабинни асарга олиб киради: "Бутун олам театр, биз одамлар унда актёрларимиз". У ушбу жумлаларни такрор ва такрор айтар экан сарой аъёнларига ниқоблар тарқатади. Фақатгина кенжа қиз Корделия ниқобни олмайди. Бу томошабинни ҳайратлантиради ва асар давомида улар бу саволга жавоб топади.

Қирол давлатини қизларига бўлиб берар экан уларнинг ўзига нисбатан меҳру муҳаббатини ҳам билишни истайди. Икки катта қизи кўзларида ёш ила чексиз меҳрини, муҳаббатини изҳор қилса, кенжа қиз бундай сохта муносабатни эмас, балки фарзандлик садоқатини, меҳрини отасига тортиқ этади. Самимий айтилган сўзлардан кўра сохта мақтов ва ҳисларни устун қўйган ота кенжа қизидан воз кечади, давлатини иккига бўлади. Мол-давлатга эга бўлган қизлар бора-бора отасини ўз уйларидан ҳайдайди. Жуда тез фурсатларда кутилмаган ҳаёт зарбасига учраган қирол эсанкираб қолади. Мана шу онда томошабин илк саҳнадаги сарой аъёнларидаги ниқобнинг маъносини чақади. Катта қизларнинг муҳаббати ниқоб остида айтилгани, буни қирол сезмагани, унга бўлган муносабатларнинг барчаси парда ортида эканлигини англайди. Қирол бор давлатидан айрилгач, барча ҳақиқатни кўради, билади. Аммо кеч эди...

МАШАҚҚАТ ОРТИДАГИ РАҒБАТ

- Жамоамиз спектакль устида ярим йилдан зиёд ишлади, - дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Раҳимов. – Валихон Умаров асар устида иш олиб борар экан, аввало, актёрларнинг истеъдодини тўғри баҳолай олди. У ролларни актёрларнинг ижодий имкониятларидан келиб чиқиб тақсимлади. Асардаги ҳар бир персонажнинг ўз руҳияти бор. Жумладан, мен ижро этган граф Кент образида юртга содиқлик, садоқат туйғулари мужассамлашган. Гарчи қирол уни саройдан ҳайдаса-да, қиёфасини ўзгартириб, умрининг сўнгги лаҳзаларигача садоқат билан хизмат қилди.

Спектаклни томоша қилар экансиз, дастлаб қиролнинг важоҳати, қатъияти, ҳукмронлигини кўрган бўлсангиз, асар сўнгида у қизлари томонидан таҳқирланган, ҳаётнинг зарбаларига учраган инсон қиёфасида гавдаланади. Актёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Солижон Ҳакимов қирол Лир шахсиятини, унинг ҳис-ҳаяжонини, мардлигини, изтиробини, қайғусини, фожиасини томошабинга етказа олди. Ўз туйғуларига шерик қилди. Қизлари Гонерилья ва Реганадаги такаббурлик, салтанат, тож-тахт учун фарзандлик бурчини унутган, ҳийлакорликни театр актрисалари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳри Ҳакимова ҳамда актриса Сарвиноз Саитовалар маҳорат билан ижро этди.

Спектакль декорациялари ҳам кишини Британия қироллигига олиб кира олди. Умуман, асар воқеаларига мос мусиқалар тўғри танланган. Актёрларнинг ижроси асарнинг мукаммал чиқишига асос бўлди.

Асардаги кенжа қиз Корделия (актриса Гўзал Қурбонова), сарой масхарабози (актёр Турдимурод Худойбердиев), граф Глостер (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Баҳрулло Раҳимов), Эдмонд (Жамшид Муродов), Эдгар (Шерзод Раҳимов), герцоглар - Альбани (Жўрабек Ёрқулов) ва Корнуэль (Машраб Бекмуродов), Француз қироли (Ҳаёт Ҳамидов), Бургунд герцоги (Фарид Расулов) каби персонажлар Шекспир асари ғоясини ва ўткир сюжет йўналишини, тўлақонли трагедия жанрини очиб бера олди.

Ҳар бир томошабин спектакль давомида Шекспир оламида яшади, десак муболаға бўлмайди. Актёрларнинг тўлақонли ижроси, режиссёрнинг маҳорати, жамоанинг бирдам ҳаракати асар муваффақиятини таъминлади.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.
Замира БАЛТАЕВА (фото).

Қутлаймиз!

Ҳурматли Фарида АКБАРОВА!

60 Сизни туғилган кунингиз, ёшингиз билан табриклаймиз.

Ф.Акбарова узоқ йиллар Тошкент вилояти «Бўстон» санаторийсига раҳбарлик қилиб, эл саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда. Меҳрибон ўғил-қизлар, неваралар қуршовида бахтли ҳаёт кечирмоқда. Сиҳатгоҳ ҳудудини ободонлаштириш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва санаторийда даволаниш, дам олиш шароитларини яхшилашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ҳурматли ҳамкасб, таваллуд кунингизда Сизга мустаҳкам соғлик тилаймиз. Бахтимизга омон бўлинг! Яқинларингиз даврасида доимо шод-хуррам юриш насиб этсин!

«БЎСТОН» САНАТОРИЙСИ ЖАМОАСИ.

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 14 317 нусхада чоп этилди. Буюртма 82

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи: Д.ТЎХТАЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009